— Ота-боболаримиз кулчилик касбини улуғлаб, ўз ишлари давомийлиги таъминлаш учун ҳам қайғуришган. Мен ҳам 8 ёшимдан бошлаб отам билан бирга ишлаб бошлаганман. Сулолаимизнинг бешинчи бўғиминан. Ҳозир бир ўғлим — Алишерга ҳам хунармиз сирларини ўргатаймиз. Насиб этса, сулолаимиз силсиласини у давом эттиради, — дейди ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кулчи Акбар Раҳимов.

Уста яратган ўзига хос ижод намуналари Эрмитаж, Третьяков галереяси каби машҳур музейларидан ўрин олган. Бу номдор даргоҳлар ҳозирга қадар устала махсус буюртмалар бериб туришди. Акбар Раҳимовнинг шахсий кўргазмалари

Германия, Англия, Япония каби мамлакатларда ҳам намойиш этилган. У чет давлатларга тез-тез ижодий сафарларга бориб туради. Яқинда 5 ой Японияда бўлиб, ўз хунарини тарғиб қилиб қайтди. 1996 йили Акбар Раҳимовга ЮНЕСКО совриндори сифатида «Халқ амалий санъати намоянаси» халқаро сертификатининг берилгани бежиз эмас.

Уста 1991 йили шахсий уй-музейи ташкил этди. Бу даргоҳда олти сулоланинг ажойиб ижодий намуналари жамланган. Уй-музейда «Афросиёб бахт қушлари», «Асрлар садоси», «Буюк ипак йўли» деб номланган экспозициялар мавжуд. «Буюк ипак йўли» экспозициясида ипак йўли таъсирида Хитой, Япония, Юнонистон каби мамлакатларда яратилган мовий рангли нафис санъат асарларига ўхшаш ноёб чинни

сп, Фиждун, Тошкент кулчилик мактаблари доимо алоқада бўлиб туриши мақсадга мувофиқ.

Уста айни кунларда яна бир ишни амалга ошириш ниятида юрибди. У ўз уйида устахона очиб, кулчиликка илҳос қўйган, қизиққан болаларга ўз хунарини ўргатмоқчи. Ҳозирда замонавий воситалар, компьютерлар билан жиҳозланган устахона сабоқ бериш жараёнига шай.

Ўз санъати билан эл ичида шухрат қозонган қўли гул кулчи Муҳиддин Раҳимов ҳақида, унинг баракали ижоди тўғрисида ўнлаб китоблар ёзилган. Ворислик вазифасини унинг ўғли — Акбар Раҳимов аёло даражада ухдалаётган, ўзбек халқ амалий санъати доврғини жаҳонга ёймоқда. Сулоланинг олтинчи бўғин вакили — Алишер Раҳимов аждодлари касбини янада улуғлаш ниятида. Бу мустақиллик туфайли сулолалар узвийлиги учун янгидан-янгимониятлар очилганидан, меҳнатсевар, ижодкор оилаларнинг камоли учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганидан бир нишондир.

Суҳбатимиз давомида Акбар ака, маданиятимизнинг янада ривожланиши борасида оиланинг, сулоланинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб, қуйидаги шарқона ҳикматни келтириб ўтди:

— Оила — бамисоли мусаффо суви битмас-туган-

1998 —
Оила йили

Ўзбекистон Мустақиллигининг емми йилими олдидан

Туманлар
йўлчаси:
ШАЙХОНТОХУР

Акбар Раҳимов республикада муҳофазат қилинган, хусусан Фарғона, Қашқадарё, Самарқандга тез-тез бориб туради, жойлардаги усталар билан учрашиб, ижодий мулоқотларда бўлади. Устанинг фикрича, Риштон, Шахрисабз, Хива, Хазора-

мас булоқ. У қайнаб тошгани сари эл-юрт заминида ҳаёт дарахти тобора юксалиб, гуллаб-яшнаб, кўпдан-кўп ҳосил бераверади.

СУРАТЛАР: оилавий сулола давомчиси, таниқли кулчи Акбар Раҳимов ижодидан намуналар.

риб битказилди. Худди шундай теннис корти Хадрада ҳам ишлаб турибди. Спорт ишларини янада оммалаштириш мақсадида апрель ойида «Қоқа-қоқа» соврини учун мусобақалар ўтказилди. Туман бўйича оилавий жамолар ўртасида ҳам спорт мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, шах-

ний тарбия ишларининг даражасини юксалтириш, чиниққан, бақувват ёш авлодини тарбиялаш ишларига катта масъулият билан ёндашилмоқда. Бинобарин қаерда оқилон, тўғри ёндашув бор экан, белгиланган ишларнинг амалга ошиши ҳам изчил, самарали бўлади.



Оила

«НОН МУЗЕЙИ» ОЧАЁТГАН ИНСОН

ларда маълум муддат курилиш моллари омборида ишлаган Баширилло кейинроқ етти йил давомида ҳозирги А. Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи директори лавозимида меҳнат қилди. Тошкент Давлат Санъат институтининг хўжалик мудри вазифасида эса пенсияга чиққунга қадар ишлади.

Рафикаси — Қумрихон ая ҳаётининг ширину аччиқ, оқу қора кунларида эрига ҳамкор, ҳамнафас, ҳамдард бўлди. Уларнинг турмуш қурганларига ҳам бу йил роппа-роса 50 йил бўлди. Қумрихон ая ўзини фарзандлар тарбиясига бағишлаб, 2 ўғил, 3 қизни оқ ювиб, оқ таради. Мана, бугун эру хотин фарзандлари камолдан шоду хуррам, тақдирга шукрона айташмоқда.

Отанинг муаллимлик касбини фарзандлар давом эттиришмоқда. Лаълихон — кимё, Зумрад — араб тили, Ёқутхон — инглиз ва француз тили

Тўнғичи — Сайфулло савдо ишлари билан машғул. Ўз фирмасини очиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда.

Баширилло ота ва Қумрихон аялар оиласининг аҳили инноклигига, меҳру оқибатлигига ҳавас қилса

фатига ўзлари улуғлаган инсоний фазилатлар, юксак қадриятларнинг авлодлар ҳаётида ҳам давом этиши учун интилиммоқда.

Оила йили муносабати билан Раҳматуллаевлар оиласи туман миқёсида ўтказилган «Бахтли оила» кў-

нг эл-юрт, маҳалла-қўй ўртасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эканлигидан далолат беради.

Баширилло ота билан суҳбатлашар эканмиз, ота азалий қадриятларимиз янгича юз очаётганлигидан, айниқса, бу йилнинг

Оила йили деб эълон қилинганлигидан ғоятда мамнун эканлигини изҳор этиб, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга инсон сифатида оиланинг ўрнини қуйидагича баҳолади:

— Оила, ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат ришталарини бирлаштирадиган, юксак ахлоқий бойликларини сақлайдиган буюк салтанатдир.

Баширилло ота Ленинград қамали чоғида юрагига бир ниатни тугиб қўйган эди. Айни кунларда «Нон музейи» ташкил этиш ишлари билан елиб-юғуриб юрибди. Албатта, унинг ташаббусини туман ҳокимлиги ва бошқа масъул идоралар ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Умид қиламизки, яқин келажақда Баширилло отанинг «Нон музейи» эзгу ва хосиятли фаолиятини бошлайди...

СУРАТЛАРДА: 1. Баширилло Раҳматуллаев (ўнгда) дўсти Ҳошимжон Қобул қори ўли билан. 2. Бахтли ва файзли хонадон аъзолари.

Шайхонтохур туманига бағишланган материалларни Маъмура РЎЗИЕВА тайёрлади. Сураатларни Рустам Шарипов тасвирга туширган.



СПОРТ

ЖИСМОНИЙ КАМОПОТ ЙУПИДА

Ҳар томонлама етуклик учун жисмоний баркамоллиқнинг ўрни ўзгача. Зеро, соғлом танда, соғлом ақл бўлиши учун жисмоний тарбияга, спортга алоҳида эътибор бериш керак. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан спортни ривожлантиришга доир қатор қарорлар қабул қилинди. Футбол, теннис, бокс, кураш каби спорт соҳаларида яхши кўрсаткичлар қўлга киритилаётганлиги бежиз эмас.

«Шайхонтохур» футбол жамоаси Ўзбекистон биринчилигининг иккинчи лигасида 1-ўринни эгаллашдан ташқари, шаҳар ҳокими кубоги, «Миллионлар кубоги» каби мусобақаларда ҳам ғолибликни қўлга киритди. Бу ҳам туманда шу спорт турини ривожлантиришга берилаётган эътиборнинг самарасидир. Хусусан, 18-мактабда ва 98-интернатда ихтисослашган футбол бўлимлари очилганлиги, турли миқёсда тез-тез футбол мусобақаларининг ўтказилиши ҳамшаҳарларимизнинг ҳам мазмунли дам олишлари ҳамда ўзларини чиниқтириб боришлари катта хисса қўшди.

Спорт иншоотларини қуриш бўйича ҳам туман бўйича муайян муваффақиятларга эришилмоқда. Чорсу мавзесида қуриб, фойдаланишга топширилган «Жар» спорт маркази тарихида 3 та ҳавза, ёпик ва очик теннис корти, футбол майдони, спорт заллари мавжуд. «Ипакчи» маҳалласида ҳам ёпик теннис корти қу-

мат-шашка бўйича ўтказилган мусобақаларда О. Аҳмедова, Ф. Яқвалхужаев ва А. Омоновлар оиласи ғолиб чиқиб, қимматбаҳо совринларга сазовор бўлишди. Ушбу спорт тадбирлари туман аҳолисининг ғоятда фаол иштирок этиши билан ажралаб турди. Мактаб ўқувчиларининг футбол бўйича шаҳар биринчилигида туман жамоаси фахрли 4-ўринни эгаллади.

Айни кунларда шаҳарда Оила йили муносабати билан ўтказилган тадбирда кўзда тутилган «Маҳалла — мактаб — оила» шiori остидаги оммавий спорт мусобақалари бошланди. Дастлабки, спорт ва саломатлик байрами тумандаги Фафур Фулом номи 169-мактабда бўлиб ўтди. Туман халқ таълими ва спорт бўлими раиси мадади билан мактаб педагогик жамоаси ва Ҳувайдо маҳалласида му мусобақанинг ташаббускорлари бўлишди.

Кўриниб турибдики, туман миқёсида спортни оммалаштириш, жисмо-

ОРОМГОҲ ҚҮЙНИДА

«Тошшаҳарийўловчи-тран» давлат уюшмаси қошида иккита оромгоҳ бўлиб, уларда мавсум давомида 2300 кичкинтой ёзги таътили мазмунли ўтказишади. Бу оромгоҳлардан бири — «Автомобилчи» Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган бўлса, иккинчиси — «Трамвайчи» эса шахримизнинг Чилонзор мавзесидаги соя-салқин боғдан ўрин олган. Яқинда биз ҳар иккала оромгоҳда бўлиб кичкинтойларга яратилган шароит билан қизиқдик.

Сафаримизни «Трамвайчи»дан бошладик. Унинг бошлиғи Абдунаби Тўракулов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди: — Оромгоҳимизни 25 майга қадар тўла таъмирдан чиқардик. Кичкинтойлар учун зарур бўлган барча қулайликлар олдиндан яратиб қўйилди. Бу ишда бизга уюшмамизга қарашли 2-ва 8-автокорхоналарнинг раҳбарлари яқиндан ёрдам беришди. Айни дамларда оромгоҳимизда 380 кичкинтой дам олмақда. Масканимизни чинакам соғломлаштириш ўчоғига айлантириш мақсадида қатъий режим бўйича иш олиб бораёмиз. Дастурийдан раи-нг-баранг қизикарли ўйинлар, спорт беллашувлари ўрин олган. Уларни амалга оширишда Зиёда Раҳмонова, Гулчехра Султонова, Авазбек Афзалов, Лариса Люпинская сингари тарбияловчиларимиз алоҳида ўрнатилган мусобақа бўлиб бораёмиз.

Кўриниб турибдики, туман миқёсида спортни оммалаштириш, жисмо-

лар навбатма-навбат бошлалади. Бугун туш-ликка кичкинтойларнинг сеvimли таоми палов тайёрланган экан. Биринчи столни тўлдириб ўтирган болаларга яқинлашиб, уларни суҳбатга тортидик.

«Қандай дам оляпсизлар?» деган саволимизга улар олдинма-кейин жавоб бера кетишди: — Ҳар йилдагидан яхши. — Овқатлар ҳам тўйимли, мазали. — Ётоқхоналаримиз чиройли безатилган. — Турли-спорт мусобақаларига қатнашяпмиз. — Ҳар оқшом кечалар ўтказилади. Ҳаваскорлар концертини кўрамиз, кино томоша қиламиз, ким ошди ўйинларида қатнашамиз. — Бугун тушлиқдан кейин волейбол бўйича мусобақа ўтказишни белгиланганмиз, — дейди бизга оромгоҳ бошлиғи Йўлдош Очилов. — Агар истак бўлса томоша қиллашларингиз мумкин.

Қизиқиб спорт майдончаси томон йўл олдик. Болалар ўз тарбиячилари бошчилигида тўрт командага бўлиниб саф тортишди. Беллашув ҳақами ишораси билан мусобақа бошлаб юборилди. Қизикарли ўтган беллашувда 2-ва 3-отряд аъзолари ғолибликни қўлга киритишди.

Шундан кейин ҳамма дастурда белгиланган навбатдаги ўйушларга берилиб кетди.

Бу йил «Автомобилчи»да болаларнинг уч босқичда дам олиши мўлжалланган. Ҳар босқичда 350 тадан кичкинтой дам олади.

Умар МАҲМУДОВ.

Назм

ШУКУҲБАХШ ОНЛАР

Умид гунчалари гул очмай сўлса,
Тушқуналик бир кун тортса қаърига.
Яшаш мантиқидан поймонанг тўлса,
Сабру тоқат лозим бунинг барига.

Дўст-ёронлар юзин ўғирса шундай,
Қадридан уфқлар узса саломин.
Қалаванинг учин йўқотган кунда,
Ҳеч қилма керакмас гўё қаломин.

Омаднинг тулпори йиқитса агар,
Бахтининг уфқлари кўринса узоқ,
Мақсаду армонинг бермаса самар,
Пойингга тушганда занжир тузоқ.

Шўх-шан қўшиқларнинг сирли садоси,
Тарк этса боқира қалбининг бир зум.
Адолатнинг аянчили, меҳр гадоси,
Сароб қосасида насибанг маҳзун.

Лаззатли онларинг тушга ўхшаса,
Қувончу шодлик ҳам ўғирса юзин.
Наъбу намо дамлар титраб-қақшаса,
Лол қолма фарзандга ўтмаса сўзинг.

Ниймон келтир, бу он қилгил итоат,
Шукр қилгил ҳаммаша ўтган онингга.
Танерга аёнди ушбу синаот.
Мурувати кенгир, ширин жонингга —

Шукуҳбахш онларинг келгуси қайтиб,
Ирода саботинг бўлса мужассам.
Қўлинг ёқа ушлар шукрона айтиб,
Ҳаёт шаробини ютсанг мунтазам.


СЭВГИ ТУМОРИ

Бир қарашманг шайдоси, ошигингни таниб қўй.
Чин севгининг туморин қарамизга таъиб қўй.
Туморингми зуноринг, сеҳрига мен боғланай,
Бир шайдои хумморинг ишқ ўтингда доғланай.

Санам, қулиб боқиниш, вужудимда аланга,
Қалам қошинг қоқиниш, ишорада аланга.
Ошиқларинг қўн бўлса, ишқингда қуйдирган жон.
Сен санамим бепарво, беомон офатимжон.

Жонгинам менга аён, севгининг — саховатинг,
Севмасанг, бил, қоракка сиймасди муҳаббатинг...

Баҳодир СОБИТ.



Журналистлар сайли

ДИПЛАМНИ ШОДЛАНТИРГАН БАЙРАМ

Мустиқиллигимиз шарофати билан байрамларимизнинг байрамларга уланаётгани, бундай шодиёналар кишиларимизнинг дилларига завқ бағишлаб, уларни мамнун этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтган шанба кўни пойтахтимизнинг сўлим гушасига айланиб қолган Мирзо Улуғбек боғида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Мустиқилликнинг 7 йиллигига бағишланган пойтахт журналистлари учун ўқоштирилган марокли тадбир ҳам ҳақиқий шодиёнага айланди.

вор бўлганлигидан беҳад фахрландим. Бундай тадбирларда журналистлар бир-бирлари билан фикр алмашадилар, ҳамкорлик қиладилар, ўрганадилар. У бизга бир олам қувонч бахш этди.

● Баҳодир СУЛТОНОВ, Мирзо Улуғбек боғи директори, «Оқшом»нинг доимий муштариси: — Мана икки йилдирки, қўнғу қасб эгалари — пойтахт журналистларининг байрами бизнинг боғда нишонланади. Биз бундан фақат қувонамиз. Чунки менин ўзим жуда кўп йиллардан бери «Тошкент оқшом» газетасининг доимий мухлисиман. Унинг ҳар бир сонини қўзатиб бораман. Нафақат, «Оқшом» кирган хонадонига, балки бизнинг оромгоҳга ҳам шодлик

Эрта тонгданоқ байрам тантанасига ошққан журналистлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда муштарийларни миллий анъанамизга кўра карнай-сурнай садолари қарши олди. Сайилда нафақат матбуот ходимлари, балки туманлар ҳокимликлари вакиллари, маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, хуллас, қалам аҳлининг заҳматли меҳнатини қадрловчи жуда қўллаб-қувватлаш ҳам бўлишиди.

Шуни тан олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган ва йўлбошимизнинг журналистлар шаънига билдирган фикрларидан тўғри хулоса чиқарган нашрларимиз мазмунан ўзгариб, одамлар эътиборини тобора ўзига тортмоқда. Матбуот ходимларининг мустиқиллик шарофати билан ўртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, хориж билан алоқаларни ва бошқа масалаларни изчил ёритиб бораётганлиги кўп сонли муштарийларни хушнуд этаётганлигини бўлиб ўтган тадбирда айтилган дил сўзларидан, тақдирлардан билиш мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов тадбирни очар экан, пойтахт журналистларини қизғин қўллаб-қувватлаш ва бугунги кунда матбуотимиз олдига турган вазифалар, уни амалга оширишда қаламашларнинг фидойиликлари, ижодий баркамолликлари жудаям зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Байрам баҳона бир гуруҳ фаол журналистларга мукофотлар топширилди.

эгалари билан мулоқотда бўлади, одамларнинг дилида кечаётган нарсаларни тилига кўчира олади. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриғида таъкидланганидек, журналистларимизнинг тафаккури,



дунёқарашини ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда. Бу матбуотимизга берилган юксак баҳодир. Ҳозирги давримизни оммавий ахборот воситалари, газетасиз тасаввур эта олмаймиз. Истардимки, касбдошларимизнинг ҳамиша қалами ўткир бўлсин. Пойтахт ижодкорлари бошлаган бундай тадбирлар анъанага айланиб, қаламашларга яхши кайфият, ижодий илҳом бахш этсин.

олиб кирди. Матбуот ходимлари оила аъзолари, дўст-биродарлари билан қўнғили ҳордиқ чиқаришса, биз албатта қувонамиз...

Шу кун боғдаги сайил кенгача давом этди. Боғ болажонларнинг шўх қийқириғи шодон кулгиларига тўлиб кетди. Боғдаги барча йиллар болача учун беғул хизмат кўрсатди. Айниқса, ҳамкасбларнинг бир пиёла чой устида суҳбатлари қизигандан қизиди. Нафақат кўзлар, балки ижодкорларнинг дил тубидаги бетакор сўзлари учради. Таникли санъаткорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Азим Муллахонов, Қозим Каюмов, хонандалар Нодир Лутфуллаев, Шухрат Воҳидов, Карим Жуманиёзов, Чилонзор тумани маданият ишлари бўлимига қарашли «Сарбон», «Шодиёна», «Наврўз», «Семурғ» гуруҳлари, «Севиш» карнай-сурнай дастаси санъат аҳлининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Даврани бошқарган Чилонзор тумани маданият бўлими раҳбари, Жаҳон сеҳрларлар академияси аъзоси Раҳмонбек Исмолов ўзининг чиройли сўзлари билан ҳаммани мафтун этди. Куй қўшиқча, қўшиқ эса қувноқ рақсларга уланиб кетди. Ширин суҳбатлар, шодон ҳаққаларга бой бўлган ушбу байрам барчага яхши кайфият, ижодкорларга ўзгача илҳом бахш этди.

Шарифа ИЛЕСОВА. СУРАТЛАРДА: марокли ўтган тадбирдан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

● Хусан БАРАТОВ, «Тракторсоз» — «Тракторсоз»нинг кўп нусхали газетаси муҳаррирининг ўринбосари: — Мен ижод қилаётган газета ижодкорларнинг ҳам мукофотларга сазо-



Совғаларни Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ижрочи директори Абдулла Сулаймонхўжаев топширди. Тақдирланганлар орасида Уктам Мирзаёров, Абдуҳаким Даминов, Абдуваҳоб Абдубаннопов, Шодмонбек Отабоев, Борис Палацкий, Игорь Алимов ва бошқа қўллаб-қувватлаш журналистлар бор. Шунингдек, туман ҳокимликлари ва пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам ижодкорларни касб байрамлари билан қизғин қўллаб-қувватлашди.

● Хушнуд ДУСТМУХАММАД, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси:

— Биз танлаган касб улғу ва машаққатли саналар. Бундай касбга эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки журналист барча касб

АБУЛ АЪЛО АП-
МААРИЙ ДЕЙДИКИ...

● Шодлигинг, ҳушқўчқилигингга мағрур бўлиб, илм-маърифат ва юксак даражаларни кўлга киритишдан ўзоқлашиб қолма.

● Иккиёнинг бирор вазифа топширилган бўлса, уни яхшилаб ижро қил, тўғри йўлдан чиқиб кетма, чунки шу вазифада бўлишнинг кўрқолмай ундан сени четлатишни истайдиганлар топилиб қолиши мумкин.


● Ҳаёт кечиринида кишиларнинг бир-биридан фарқини ажратмоқчи бўлишса, ўз меҳнати билан топганига қаноат қилган инсон энг азиздир.

● Инсонлар ишини бир-бирига таққосланг, кишини энг хорликка мувапто қиладигани таъмагирликдир.

● Яхши ҳаёт кечирини орзу қилган киши кўз олдига гафдаланиб турган қийинчилик ва кўп машаққатларга дучор этадиган оғир ҳодисаларни енгиб ўтиши шарт.

● Сен ақл-идрокингга мурожаат қилсанг, ўтиб кетган кунларнинг қайтиб келиши мумкин эмаслиги ва ўлардан умид узиш лозимлигига иқдор бўласан.

Тўловчи: Ўзбекистон халқ маорифи аълочили Фахриддин НУРИДДИНОВ.



ГОЛИБЛАР

ёки волейбол бўйича биринчиликни кўлга киритаётган жамоа ҳақида

Уларни спорт майдончасига кириб келишганида олқишлар билан кўтиб олишди. Жамоа сардорларининг кўрсатмасига биноан ўйинчилар учрашув олдидан чигалёзди машқларини бошлаб юборишди.

Негадир Илҳом Дадахоновнинг чап оёғи оқ доқа билан маҳкам қисиб ўралган. Ишқибозлар бугун уни ўйинга тушмасан керак, деган фикрга боришди. Ўзига яраша бўйи бор бу спортчимизнинг ўйинга тушмаслиги жамоа учун анча-мунча муаммоларни келтириб чиқариши турган гап. Хали ўйин бошланишигача ролла-росса ўн беш дақиқа вақт бор. Оёққа оқ доқа боғлаганили, бу ҳаммаси ҳал бўлди дегани эмас.

Минтақалар учрашуви-га пойтахтликлар Ички ишлар вазирлигининг академияси жамоасини ҳал қилувчи учрашувда қабул қилиши лозим эди. Қайси жамоа ютиб чиқса кейинги босқув учрашувларига чиқади.

Учрашув ҳакамлари жамоаларни майдон ўртасига тақлиф этдилар. Тошкентликлар шу кун қуйидаги тартибда майдонга тушдилар. С. Мячин (жамоа сардори), О. Хасанов, С. Йўлчибоев, Б. Абдуразақов, Р. Каримов ва И. Дадахонов, захирада эса уч спортчини қолдиришди. Улар Р. Кабаев, К. Асқоров, И. Раҳмоновлар.

Академияликлар ўйини ҳужумкорлик руҳида бошлашди. Аввалига тақрибли пойтахт жамоасини бироз талвасага солиб қўйишди. Ҳатто, ҳисобда бир неча муддат олдинга ҳам чиқиб олишди. Бироқ таркиби асосан маҳоратли ўйинчилардан ташкил толган пойтахтликлар ҳадемай ўйинда бурилиш ясаб, ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Уларнинг рақиблари ҳар қанча уришмасин ҳал қилувчи зарбани беришда суст-кашликка йўл қўйишарди. Халигина Илҳом Дадахоновнинг ўйинга тушуш-тушмаслиги ишқибозлар учун гумон бўлиб турганди. Бироқ Дадахонов гўё ҳеч нарса бўлмагандай ўйинга тушиб бемалол ўзига бириктирилган вазифасини адо этарди.

Умуман олганда пойтахт бошбошқармаси жамоаси таркиби жуда ҳам ўзига хос. Ўйинчилар орасида милиция сержантларидан тартиб полковниккача бор. Лавозимларини олиб кўрсак ҳам шундай. Милиционердан ИИБ бошлиғи ўринбосаригача ўйинда пойтахтликлар шарафини жон қийдириб ҳимоя қилишмоқда.

Жамоа сардори Сергей Мячин майорлик погонигадаги спорт устаси. Бир пайтлари Тошкентнинг «Динамо» усталар жамоасида олий минтақада ўйнаган. Ўйинда асосий оғирлик унга тушиши ҳеч кимга сир эмас. Айнаан Мячин берган зарбалардан академиклар кўпроқ қўчиб туришарди. Сардор жамоа кemasини маҳорат билан бошқариб боради. ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Одиложон Хасанов 50 ёши қоралай деб қолди.

Спорт инсон саломатлиги учун жуда ҳам фойдали эканлигини Одиложон аканинг тимсолида кўриш мумкин. Биз у кишига ҳар доим тетиқ ва саломат бўлиб жамоа шарафини ҳимоя қилиб юборишларини тилаб қоламиз. Машхур инглиз шоири Байрон турма чўлок эди. Тенгдошлари уни мазаҳ қилавериш, кўчада бош кўтариб юришга қўйишмайди. Шунда шоир уларга ўзининг нимага қодир эканлигини кўрсатиб қўйиш учун югуришни машқ қила бошлайди. Кичик масофадан бошланган югуришлар босқичма-босқич каттасига ўтади. Охири шоир югуриш бўйича ўтказилган мусобақада голиб чиқади.

Бугун вақт баҳонасини қилиб югуриш ёки бошқа спорт турлари билан шуғулланишни ихтиёр этмаётган ҳамкасбларимиз кўп. Уларга фақат ачиниш билан қараш мумкин. Яна пойтахтликлар ҳақидаги фикримизга қайтасак. Ҳафтада ўтказилаётган бир неча кунлик машғулотлар уларга тахриба орттиришга бевосита ёрдам бермоқда. Машқлар давомида ҳар бир ўйинчининг хатти-ҳаракати баҳолаб борилиб йўл қўйилган ҳатолари кўрсатиб ўтилади. Ана шунинг учун ҳам жамоа зафарли юришларни босиб ўтмоқда.

Шу кунги ўйинда тошкентликлар 3:0 ҳисобида голиб чиқиб Жиззах шаҳрида бўлиб ўтадиган босқичга йўлланма олган эди. Жиззахдаги ўйинларда ҳам жамоа пойтахт бошбошқармаси шарафини ишонч билан ҳимоя қилиб ҳал қилувчи ўйинларда катнашиш ҳуқуқини олди. Финалда жамоамиз Самарқанд вилояти ИИБ вакиллари билан қабул қилиб галаба қозонди.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

«ЎҚИТУВЧИ» ТУҲФАЛАРИ

ГИЁҲЛАР БИЛАН ТИЛПАШИБ

Инсон болаликдан то кексаликнинг сўнги дамиригача табиатга талпинади. Униб-ўсган майсаларни сийпагиси, яшил гиламлар устида соатлаб кўкка термулиб ётгиси, унинг бағрида танҳо қолиб, толиққан асабларига дам бергиси келади. Осмонлар тоғлар, турли гиёҳлар, жонбахш ҳаволар, зилол бўлоқлар ёнидан тетикланиб, ўзимизга қуч-қувват олиб, яна ҳаёт сўқмоқларида давом этамиз.

«Ҳаёт бор экан, инсон зоти хасталикларга таслим бўлгиси келмайди, ўзига малҳамни гиёҳлардан излайди. Ўсимликнинг ўзидан ёки ширасидан дори-дармон сифатида фойдаланиш ажойиб натижалар беради», деб ёзган эди Гиппократ ўз замонасида.

Улуғ табибларнинг аждодлари ўз меҳнатлари, оддийликлари ила кўп дардларга даво топишга уринмоқдалар. Бутун умри давомида гиёҳлар билан тиллашиб келётган инсон Беруний номидида Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, биология фанлари номзоди Қаҳҳор Ҳошимов ана шундай кишилар тоғасидандир.

«Ўқитувчи» нашриёти Шарифа Салимованинг янги босмадан чиқарган «Гиёҳлар билан тиллашган инсон» илмий-бадий рисоласи деярли 40 йиллар давомида яшил ўсимликлар дунёси билан самимий тил топишган кўпқиррали ботаник олим Қаҳҳор Ҳошимов илмий-ижтимоий ва амалиётдаги фаолиятига бағишланади.

ЯНГИ МАСАЛЛА

Ҳаёт бир тарзда кечмаганидек, одамларнинг феъл-атвори ҳам бир тарзда, бир хил эмас. Биринчи фазилат бошқасидан иллатга эид. Иккинчи фазилат ўртасида доимо жанг кетади, гоҳ ошқор, пинхона.

Таникли масаллавиш шоир Ямин Қурбоннинг «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Тушдаги ҳақиқат» масаллар тўпламида хилма-хил ҳажвий тимсоллар, турфа салбий сиймолар орқали кулги қилинган, фоти этилган. Шоир «Донишманд» номли масалида шундай ёзади: мансабдор ошнамдан сўрадим: «Айтгил, қанча дўст орттирдиринг ва қанча душман?», «Қўлимдан кетган кун шун мансаб сабил, ким дўсту ким душман бўлади равшан».

Ямин Қурбоннинг ушбу китобида шоирнинг кейинги йилларда ёзган янги масаллари жамланган бўлиб, улар ўрта ва катта мактаб ёшдаги ўқувчиларга, муаллимларга, талабаларга, кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Назира ЖҲАЕВА.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Билдириш

● 11 июль — шанба кун соат 12 да Ҳамза номли театр олдидан ТошДУ ўзбек филологияси факультети кечки бўлимининг 1988 йилги битирувчиларининг учрашуви бўлади. Мухтарам курсдошлар! Барчангизни учрашувга таклиф қиламиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллууд кўнларни, туйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳридаги 38-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Г. Ш. Аҳмедова номига берилган 044179 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги 38-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Дилором Исроилова номига берилган 9-синфни битирганлик тўғрисидаги 091810 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар халқ таълими бошбошқармаси, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ва туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Й. М. Маҳмудовга ўғли **Равшан Йўлдошев** МАҲМУДОВНИНГ беват вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Истиклол» футбол клуби раҳбарияти ва жамоаси клуб раҳбарининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Мухтор Ҳошимовга отаси **Искандар ҲОШИМОВ**НИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва Ҳафта
кўнлари тижора.
Нашр қўрсаткичи
209

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
булимларига ёки «Тош-
кент почтасига 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.